

Эски хукумат замонинда Русиядаги ўрта ва олий мактаблардан фойдаланатургон халкнинг кўбиси, балки хаммаси ёлгуз бой синфи эди. Ул чоғда факир халкнинг боласи «дорилфунун» деган илм юртини тушинда хам кўролмай ёлгиз ибтидоий мактабнигина битуриб чикса, ўзини бахтиёр санар эди. Бохусус, биз Туркистон мусулмонлари бир ёқдан хукуматнинг тазйики, иккинчи ёқдан ўзимизнинг илм кадрили билмаганлигимиз сабабли андай мадрасалардан истифода килолмаганимиз каби ўз мактабларимиздан хам лозиминча бахра ололмай юра эдик.

Иккинчи инкилоб натижасинда Русиянинг факир халки бурунги бахтсизликлардан, бурунги фалокатлардан кутулиб, рохат юзи билан илм нурини кўра бошлади. Ибтидоийдан то ўрта ва олий даражадаги илм юртларининг эшиклари факир халк юзига карши очилди. Илгари факирлиги сабабли ўз боласини ёлгиз ибтидоий мактабда давом килдирарга муваффақ бўлолмагон халк бу кунда «дорилфунун» каби илм ва хунар хазинасидан бир пул масориф тутмайинча истифода этарга хакли бўлди.

Ўктабр инкилобиндан кейин Тошкандда Туркистон халки учун «Халк дорилфунуни» очилиб, анинг масорифига ўттиз миллион сўм тахсис этилди. Бу «дорилфунун» Туркистоннинг умумий факир халки учун таъсис килингон бўлса хам, лекин биз мусулмонларнинг илм-маърифат тўғрисида гоят тубан даражада эканлигимиз ва шунинг учун ундан лозиминча истифода этолмай қолажогимизни кўзда тутиб, Тошканднинг бир неча гайратли ёшлари Тошкандда мусулмонларга махсус халк дорилфунунининг мусулмон шўъбасини очарга харакат килдилар ва бу ишларга муваффақ хам бўлдилар. Хозирда унда «дорилфунун» шўъбасининг ибтидоий кисминдан ўндан зиёд мактаб, ўрта кисминдан хам икки санойиъ мактаби очилиб ўкувлар давом этмакдадир. Олгон маълумотимизга кўра, мазкур ибтидоий мактабларнинг бештаси хотин-кизларга, бошқалари эркак болалар билан катта кишиларга махсус бўлиб, хозирда аларнинг мажмуасинда 75 нафарча муаллим ва муаллима билан 700 дан ошиқ талаба ва толиботи бор экан.

Ийди фитр муносабати билан Тошканддан Мухтор Бакир афанди Самаркандга келиб, ёшлар мажлисинда Тошкандда очилган «Мусулмон халк дорилфунун»и шўъбаси тўғрисида муфассал маълумот берди ва мунда хам «дорилфунун» шўъбаси очарга хозирини таклиф этди. Мажлис анинг таклифини бир огиздан қабул этиб, ўз орасиндан ташкилот комиссияси сайлади. Хозирда бу комиссия дорилфунун шўъбаси очмок хусусинда тиришмакдадир. Иншооллох, тезда мунда хам дорилфунун шўъбасининг ибтидоий кисми номи ила эркак болалар ва катталар хам хотун-кизларга махсус бир неча мактаб билан бир санойиъ мактаби ва киска муддатлик муаллималар курси очса керак.

Бу мактабларда 15 ёшдан кичик бўлмаган харкимса кабул килиниб, ўқувлар мажжоний-текин бўладир. Ўқув вақтлари ҳам пешиндан кейин хар куни уч соатгина бўладир. Бу мактабларнинг ибтидоий кисминда талабаларга она тилиндан осон ва равшан ўқув, ёзув, хисоб, жугрофия, тарих, ахлоқ ва ҳам дехкончилик, богчачилиг каби халк учун фойдали илмлар ўргатилур. Хотин-кизларга махсус очилатургон мактабларда эса муслима муаллималар кўйилиб, аларга ўқув-ёзувдан бошка турли кўл хунарлари ҳам ўргатилур. Булардан бошка панжшанба кунларида талаба ва толиботларга лексия тарики билан маданий ва сиёсий маълумот берилур. Санойиъ мактабида ҳам меъморлик, нажжорлик, муковасозлик каби турли санъат ва хунарлар ўргатилурки, бу бизнинг камбагал халк учун гоят фойдали бўлса керак.

Маълумдирки, бизнинг муслмон биродарларимиз аксарият ила камбагал бўлуб, ёлгиз кун ўткармак ёки бир хунарни ўрганмак учун бир уста (хунарли) кишининг уйида беш-ўн йил хидмат килиб зўрга хунарни ўрганиб чиқадирлар. Мана мундан сўнг шундай хунарга толиб биродарларимизнинг андай усталарга мухтож бўлмай, тўп-тўгри шул санойиъ мактабига кириб, озгина вақтда хат ва савод билан истаган хунарларини ўрганиб чиқиб тирикчилик этмаклари мумкиндир.

Хулоса: бу «Халк дорилфунуни» бизнинг факир муслмон биродарларимиз учун бир илм ва хунар хазинасидирки, унинг очилиши ила баробар халкимизнинг комили ихлос ва рағбат ила ундан истифода этмаклари матлубдир.

*«Мехнаткашлар товуши» газетаси, 1918 йил, 23 июль*